

# **КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ТИЗИМЛИ УСУЛИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

Доцентлар Бахриддинов Н. С., Мамадалиев А. Т, талаба Ж.Рахимов

*Наманган муҳандислик-қурилиши институти*

**Аннотация.** Мақолада корхоналарда юзага келаётган ёнгин хавфсизлигини таъминлашдаги муаммолар ва уларнинг ечими баён этилган бўлиб, бу муаммоларни ҳал этишда корхона раҳбарининг мажбуриятлари, ёнгинни ўчириш учун зарур бўлган сувни тозалигини таъминлаш, ишчи-ходимларнинг ёнгин хавфсизлиги бўйича ўқитиш тизимлари ва ундаги асосий бажарувчи шахслар аниқ кўрсатиб берилган.

**Калит сўзлар:** ёнгин хавфсизлиги, ўт ўчириш, раҳбар ходим, захира сув, сув тозалиги, ишчи ходим, талабалар, ўқитиш, ёнгин олдини олиш, ёнгин олдини олиш тизими, қонунлар.

**Annotation.** The article indicates the problems of ensuring fire safety in enterprises and ways to solve them, as well as the responsibilities of the enterprise manager in solving these problems, ensuring the purity of water necessary for extinguishing fires, fire safety training systems for workers and key actors.

**Key words:** fire safety, fire extinguishing, manager, backup water, water purity, employee, students, training, fire prevention, fire protection system, laws.

Ҳозирги кунда барча мамлакатнинг ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилотлар, қолаверса, аҳоли яшаш жойларида ёнгин хавфсизлигини таъминлаш муҳим масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларидан бири барча ҳудудларда ёнғинлар профилактикаси соҳасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, аҳолининг майший ҳаётида ва тадбиркорлик субектлари фаолиятида ёнғинлар билан боғлиқ нохуш ҳодисалар рўй бермоқда.

Нохуш ҳодисаларнинг юзага келиши давлат ёнгин назорати бўйича қонунчиликда белгиланган механизмларни қайта кўриб чиқиш ҳамда аҳоли ва тадбиркорлик субектларининг ёнгин хавфсизлиги маданиятини оширишга

қаратилган қатъий чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини кўрсатмоқда.

“Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси нинг Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш тўғрисида” 2019-йил 10-апрелдаги ПФ-5706-сон ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023-йил 2-августдаги ПФ-125-сон фармонлари ижросини таъминлаш, шунингдек, ёнғин хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини амалга ошириш тизимини сифат жиҳатидан янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ёнғин назорати тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2013-йил 4-октабрдаги 272-сон қарорига иловага мувофиқ қуидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг давлат ёнғин назорати органларига ташкилий-хуқуқий шаклидан қатъи назар, юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган обектларда батафсил, назорат ва тезкор текширувлар ўтказиш;

Давлат ёнғин назорати органларининг асосий вазифаларига ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига асосан бино ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини баҳолаш (ёнғин аудити) хизматини кўрсатиш ва бу йўналишда мустақил баҳоловчи ёнғин аудиторлик ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

Ёнғин хавфсизлиги ёнғин натижасида келиб чиқадиган вайронагарчиликларнинг олдини олиш ва ҳимоя қилиш учун муҳим ва зарурдир. Ёнғин хавфсизлиги ёнғин натижасида шикастланиш ва биноларга зарар этказиш хавфини камайтиради. Иш жойида ёнғин хавфсизлиги бўйича ишларни ташкил этиш, хавфсизликни таъминлаш йўналидаги ишлар режсини

ишилаб чиқиш ва қўллаш нафақат қонун-қоидаларга риоя қилиш, балки фавқулодда ёнғин пайтида бинода бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай нохушликнинг олдини олиш учун ҳам жуда муҳимдир.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш баробарида ёнғин содир бўлганда уни ўчириш, хавфли обьектда қолган кишилар ва мол-мулкни эвакуация қилиш ишлари ҳам асосий масалалардан саналади. Айнан бу йўналишда олиб бориладиган ишларнинг туб моҳияти барча ташкилотларда ёнғин хавфсизлиги бўйича йўл қўйилган качиликнинг мавжудлигидир.

Ёнғин бўлиши натижасида қўриладиган моддий ва маънавий заарлар умумий ҳолда қўйидагича кўрсатилиши мумкин:

- бино ва иншоотлар, машина ва механизмлар, иш ўрнидаги жихоз ва материалларнинг ишдан чиқиши;
- инсоннинг жароҳатланиши, ҳаттоки нобуд бўлиши.

Кўриладиган заарларни камайтиришнинг бошлангич омили Далат қонунлари асосида ишларни ташкил этиш бўлиб ҳисобланади. Масалан, Ўзбекистон Республикаи Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 20-октабрдаги 649-сон [карорига](#) ИЛОВАнинг З-боби –“Ташкилий-техник тадбирлар”да “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси [Қонуни](#), ёнғин хавфсизлиги соҳасидаги норматив-ҳуқуқий хужжатлар ва норматив хужжатлар ҳамда ушбу Қоидаларнинг талабларига ҳар бир обектда риоя этилишини ва бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш ташкилот раҳбарининг мажбуриятига кириши кўрсатиб қўйилган.

Ёнғин хавфсизлиги талаблари асосида корхона ҳовлисида захира сув бўлишини таъминлаш ёнғин даврида оловни ўчиришда қулайлик туғдиради. Бу ҳолдаги сув захиралари учун шароитдан келиб чиқсан ҳолда сув ҳовузларини қуришда ҳовузларни икки ёки уч бўлмали қилиш қулайлик туғдиради.

Текширишлар шуни кўрсатдики, биринчи бўлмада сувни ифлословчи механик жисмлар – ўсимлик барг ва шохлари, турли хил катталиктаги полиэтилен жисмлар бўлиши ундан ёнғинни ўчиришга мўлжалланган

автомобиллар идишини тўлдиришда, қолаверса, ўчириш жараёнида ҳалақит бериши мумкин. Айнан иккинчи ва учинчи бўлмалардаги сув тиниқлиги ва таркибидаги ортиқча жисмлар бўлмаслиги улардан фойдаланиш қулайлигини яратади.

Ёнгин хавфсизлигини таъминлашнинг тизимли усули дегандан қуийдагилар тушунилади:

- ёнгин хавфсизлигини таъминланганлик даражасини аниқлаш;
- ёнгин хавфсизлигини таъминлашдаги камчиликларни бартараф этиш;
- ёнгин хавфсизлиги бўйича ишчи-ходимларни ўқитиш жараёнини ташкил этиш.

Ўзбекистон Республикасининг “Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида” қонунининг 14-моддаси “Ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” бўлиб, бунда – “... ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирлари ёнгин хавфсизлигини таъминлашга, шу жумладан ёнгин хавфсизлиги талабларини бажаришга доир ҳаракатлардир.

Ёнгин хавфсизлиги чора-тадбирлари ёнгин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун хужжатларига, ёнгин хавфсизлиги соҳасидаги норматив хужжатларга мувофиқ, шунингдек ёнгинларга қарши курашиш тажрибаси, моддалар, материаллар, технологик жараёнлар, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар, бинолар ва иншоотларнинг ёнгин хавфлилигига баҳо бериш асосида ишлаб чиқлади...” – деб кўрсатилган. Ушбу қонун моддаси асосида олий таълим муассасаларининг Мехнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги йўналиши юқори курс талabalariдан корхоналарда ишчи-ходимларни ёнгин хавфсизлиги бўйича ўқитиш ишларини амалга оширишда фойдаланиш мумкин.

Бунинг аҳамиятли томони шундаки, биринчидан талabalарнинг ёнгин хавфсизлиги бўйича тайёргарлик кўриши билан уларнинг малакаси, ўқитишни амалга ошириши билан кўникмаси ортади, иккинчидан ишчи ходимларнинг ёнгин хавфсизлигини таъминлаш бўйича билим ва малакаси ортади.

Ўқитишининг бундай усулда ташкил этишда дастлаб машғулот режаси тузилади. Бунда мутахассис педагогнинг жиддий тайёргарлик кўриши талаб этилади. Чунки, биринчидан ўқув машғулотларини ташкил этиш тизимиға эътибор берилиши, иккинчидан тушунтириш усулини танлаш талаб этилади. Бунинг асосий сабаби корхона ишчи ва ходимлари учун ўқув машғулотларини оммавий усулда ўtkазиш самарали бўлади. Тушунчалар беришда содда, қисқа гап ва сўзлардан фойдаланиш лозим.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ҳозирга қадар талабалардан фойдаланиш асоси қўрсатилмаган ҳолда бунга доир аниқ қўрсатмалар мақолада ўз аксини топди. Энг муҳими юқорида келтирилган тушунчалар асосида корхоналарда иш юритилса, ёнгин олди олиниши, ёнгин даврида жароҳатланиш ва баҳтсиз ҳодисалар келиб чиқишига чек қўйилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ёнгин хавфсизлиги тўғрисида қонуни. -Т:, 2009 йил 28 август.
2. Н.С.Бахриддинов. Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги. Ўқув қўлланма. -Тошкент. 2023 -371 б.